

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ЗУХРИТДИНОВ ЎТКИРБЕК ЮЛДАШХАНОВИЧ

**НОСПЕЦИФИК ДОРСАЛГИЯЛАРНИНГ ТАВСИФИ ВА МЕХНАТГА
ЛАЁҚАТСИЗЛИК МЕЗОНЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy(PhD)

Зухритдинов Ўткирбек Юлдашханович

Носпецифик дорсалгияларнинг тавсифи ва меҳнатга лаёқатсизлик
мезонлари3

Зухриддинов Уткирбек Юлдашханович

Характеристика неспецифических дорсалгий и критерии
нетрудоспособности24

Zukhriddinov Utkirbek Yuldashkhanovich

Characteristics of non-specific dorsalgia and disability criteria
.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works51

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ЗУХРИТДИНОВ ЎТКИРБЕК ЮЛДАШХАНОВИЧ

**НОСПЕЦИФИК ДОРСАЛГИЯЛАРНИНГ ТАВСИФИ ВА МЕХНАТГА
ЛАЁҚАТСИЗЛИК МЕЗОНЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1. PhD/Tib2469 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.tipme.uz>) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.tipme.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мирджураев Элбек Миршавкатович Тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Рахимбаева Гулнара Саттаровна Тиббиёт фанлари доктори, профессор Садикова Гулчехра Кабуловна Тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд Давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44; e-mail:info@tipme.uz).

Диссертация билан тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «Бел оғриғи – энг кенг тарқалган глобал муаммодир. Бел оғриғининг тарқалиши дунё аҳолисининг тахминан 7,5% ни ёхуд 577,0 миллионга яқин кишини ташкил этган. Европа мамлакатларида бел оғриғи билан боғлиқ сарф-харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 2% ни ташкил этади»¹. Бел оғриғи деганда, XII қовурғанинг пастки қирғоғидан думбаларнинг қуйи бурмаларигача тарқалувчи, камида бир кун давом этувчи оғриқ тушунилади. Хозирги вақтда бел оғриғи (БО) 20 ёшдан 60 ёшгача бўлган шахсларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлигининг энг асосий сабаби ҳисобланади. «Гарчи 28% гача одамлар белнинг қуйи қисмида оғриқлар билан оғир ногиронликка эга бўлса-да, улар бел оғриғи туфайли юзага келган барча ногиронликларнинг 77% ни ташкил қилади». БО билан касалланган беморларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик мезонларини аниқлаш, даволаш ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ремиссия даврида беморнинг ҳаёт сифати ҳамда ижтимоий фаолиятини яхшилаш тиббиёт соҳасидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда БО касаллигинини эрта ташхислаш ва даволашга ёндашувни оптималлаштиришга қаратилган устувор йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада касалланишни, унинг ривожланиш частотаси, хавфлари ва патогенетик сабабларини аниқлаш, оғирлик даражаларини аниқлашнинг замонавий таснифлари ва диагностик мезонларини ишлаб чиқиш, клиник ва неврологик кўринишларни, замонавий диагностика ва хирургик даволашнинг илғор усуллари ишлаб чиқишга бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. БО хронизациясининг прогностик белгиларини ва унинг нейровизуализацион маълумотлар билан боғлиқлигини аниқлаш, амбулатория ва стационар шароитларда консерватив даволаш ва реабилитацияни тадбиқ этиш, асоратларни камайтириш, касалликларнинг профилактикасига тизимли ёндашиш ва беморларнинг яшаш сифатини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги босқичда ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, нерв тизимининг турли касалликларини ташхислаш, даволаш ва профилактика сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизматнинг кўрсатилиши ва сифатини ошириш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш; оила саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада рўёбга чиқариш; нафақахўрлар, ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш; аҳолининг касалланиш

¹WHO. The Global Burden of Low Back Pain, 2021.

кўрсаткичларини пасайтириш ва умр кўриш давомийлигини оширишни таъминлаш»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, БО ни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 12-ноябрдаги ПФ-6110-сон Президент фармони “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий этиш ва санитария-гигиена муассасалари ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 7-декабрдаги ПҚ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббиёт-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 30-августдаги ПҚ 3925-сон “Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. БО хронизацияси ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқлашга ҳамда даволаш ва реабилитация чора-тадбирларини мақбуллаштиришга бағишланган (Alemanno F, et al, 2019; Sterling Michele et al., 2021). Эпидемиологик тадқиқотлар, эркаклар ва аёлларда бел оғриғи хавфининг турлича бўлишини тасдиқлайди, холбуки аёллар одатда, эркакларга қараганда, БО хронизациясининг тарқалишини, оғирлигини ва мойиллигини кучлироқ намойиш қилиши аниқланган (Cherny SS, et al., 2020; Freidin MB, et al., 2019; Pulit SL et al., 2019). Беморда оғриқларнинг турли хил кўринишларини аниқлашнинг диагностик аҳамияти тўғрисида маълумотлар мавжуд ҳамда нейропатик ва ноцецептив оғриқнинг янги клиник мезонлар ва баҳолаш тизими таклиф этилмоқда (Kosek Eva, at al., 2021; Treede RD, et al., 2019). Нейропатик оғриқларни орқа мияни нейростимуляцияси орқали оғриқсизлантириш таклиф қилинган. (Hagedorn JM, et al., 2021; Katz N, et al., 2021; McNicol E, et al., 2021; Smith SM, et al., 2020; Thomson S, et al., 2020).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Аэробик машқлар бел оғриғини енгиллаштириши ва оғриқ қолдирувчи препаратларнинг дозасини камайтириши мумкинлиги исботланган (Bruehl S, et al., 2020; Saanijoki T, et al., 2018; Niura M, et al., 2017). Перирадикуляр ва эпидурал блокадаларни кортикостероидлар билан қўллашнинг ижобий натижалари аниқланди (Jong Min, et al., 2014). Даволашнинг самарадорлигини баҳолаш учун неврологик шкалалардан фойдаланиш ташхислашда ижобий таклифлар берган. (А.С. Кадыкова, 2017) Бел оғриғини медикментоз даволашда полипрогмазияни олдини олдишда замонавий даволаш стандарти таклиф қилинган (Скоромец, А.А., Скоромец, Е.Г., 2017).

БО ни НЯҚВ, миорелаксантлар, тутқаноққа қарши воситалар, антидепрессантлар ва физиотерапия билан комплекс даволаш БО ни даволаш - самарали даволаш усули ҳисобланади (Гафуров Б.Г., 2015; Рахимбаева Г.С., 2016; Адамбаев З.И. ва бошқ., 2019). Сўнгги ўн йилликда рентген-визуал текширувнинг замонавий усуллари (МРТ, МСКТ) клиник амалиётга кенг жорий қилиниши нафақат суяк хосилаларини кўриш, балки БО га сабаб бўлувчи, умуртқа поғонаси ичида жойлашган юмшоқ тўқимали хосилаларни аниқлаш имконини беради (Аблязов О.В., 2017).

Шу муносабат билан, БО даволашнинг салбий оқибатлари, носпецифик БО ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқлаш, унинг хронизацияси, БОни самарали қиёсий даволаш усуллари такомиллаштириш ҳамда комплекс даволашда турли консерватив даволаш усуллари ва физиотерапия самарадорлигини қиёсий баҳолаш, замонавий физиотерапевтик усуллари кенг фойдаланиш ва саногенетик механизмларини фаоллаштириш бўйича тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ўтказиш муҳим аҳамиятга эга

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ 01010267-сон “Неврологик касалларни реабилитацияси, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган (2022-2025 йй).

Тадқиқотнинг мақсади: Андижон шахрининг уюшган аҳолиси орасида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик мезонларини аниқлаш, даволаш ва илмий жиҳатдан асосланган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун носпецифик бел оғриғининг тузилиши ва шаклланишидаги хавф омилларини баҳолаш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Андижон шахрининг уюшган аҳолиси орасида носпецифик бел оғриғининг тарқалиши ва тузилишини аниқлаш;

Андижон шахрининг уюшган аҳолиси орасида носпецифик бел оғриғи билан оғриган беморларда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини аниқлаш;

Автокорхона ишчилари орасида носпецифик бел оғриғининг пайдо бўлишида ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлган хавф омилларининг аҳамиятини аниқлаш;

Автокорхона ишчилари орасида носпецифик бел оғриғини даволаш ва тиббий-меҳнат экспертизаси масалаларини мақбуллаштириш;

Автокорхона ишчилари орасида носпецифик бел оғриғининг профилактикаси ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини қисқартириш бўйича илмий жихатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти. Уюшган шаҳар аҳолиси **I гуруҳ** орасида БО ни ўрганиш Андижон шаҳридаги поликлиникаларнинг маълумотлари бўйича, 1 йил давомида (2021 й) белдаги оғриқ билан оғриган беморларнинг мурожаатлари ва Уюшган аҳоли **II гуруҳ** UZAVTOMOTORS Asaka автомобиль ишлаб чиқариш корхонаси ишчиларининг бел оғриғи туфайли корхонанинг тиббий қисмига қилган мурожаатларини таҳлил қилиш йўли орқали амалга оширилди.

Тадқиқотнинг предмети: неврологик статусни комплекс текшириш ва нейровизуализация текширувларининг натижалари олинган.

Тадқиқотнинг текшириш усуллари. Эпидемиологик ва клиник-неврологик текширувлар, визуал аналогли шкала (ВАШ), нейропатик оғриқ шкаласи (DN4), мушак-тоник синдром (МТС), вертеброневрологик симптомларни балли баҳолашнинг суммар клиник шкаласи (ВНСББСКШ), ваҳима ва депрессиянинг госпитал шкаласи (HADS), нейровизуализация текширувлари: рентгенография, умуртқа поғонасининг КТ ва МРТ ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

уюшган аҳоли орасида дорсалгиянинг эпидемиологик жихатдан аёлларда бўйин сатҳида ҳамда эркакларда бел сатҳида юқорилиги қайд этилиб, бел оғриқ локализацияси бўйича вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик муддатлари аниқланган;

илк бор автокорхона ишчи ходимларида дорсалгиянинг клиник синдромлари, неврологик шкалалар (ВАШ, DN4, МТС, ВНСББСКШ, HADS) ва нейровизуализация критерийлар асосида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик мезонлари муддатлар бўйича оптималлаштирилган;

илк бор автокорхона ишчи ходимлари орасида дорсалгиянинг неврологик симптомлари бел сатҳида жойлашган бўлиб, ҳамда радикулопатия ва рефлектор белгилари кўринишидаги симптомлар полиморфизми билан ифода этилиши аниқланган;

автокорхона ишчи ходимларининг ишлаб чиқаришда юзага келадиган бел оғриғида дорсалгияларнинг юзага келиши ва рецидивланишларини қисқартиришга қаратилган профилактик чора-тадбирлари релакс терапия қўллаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

дорсалгияларни даволашда асосий даволаш муолажасига ДЭНАС-вертебро аппаратида диадинамик электронейростимуляцияни қўшиш билан даволашни оптималлаштириш таклиф этилган;

ишлаб чиқаришда бел оғриғи ривожланишининг ишлаб чиқаришга боғлиқ хавф омиллари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ишчи ходимлар орасида тушунтириш ишларини олиб бориш ва ишчи ходимларнинг ишлаб чиқаришда бел оғриғининг профилактик чора-тадбирларига риоя қилиши натижасида меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини камайитиришга қаратилган тавиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. замонавий клиник, неврологик, нейро-ортопедик, инструментал тадқиқот усулларини қўлланилганлиги, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ўрганилган клиник материал сонининг етарлилиги, тадқиқот натижаларини клиник ва неврологик параллелари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, барча маълумотлар натижалари замонавий компьютер технологиясини қўллаган ҳолда оптимал статистик таҳлил усуллари қўлланилгани, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Андижон шаҳрининг уюшган аҳолиси орасида носпецифик бел оғриғининг эпидемиологик маълумотларини янгилаш, беморларнинг ўртача ёши, ўртача вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик кунлари ва меҳнатга лаёқатсизликнинг ёшга кўра боғлиқлигини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти самарали консерватив медикаментоз даволашни (НЯҚВ, миорелаксантлар, В гурухи витаминлари) диадинамик электронейростимуляция билан бирга қўллаш, массаж кўринишидаги даволаш чора-тадбирларининг мажмуи, шунингдек, ўткир ва нимўткир даврида жисмоний машқлардан фойдаланиш, бел оғриғи билан оғриган беморлар учун «мактаб» номли таълим дастурини олиб боришдан иборат бўлиб, бу даволаш муддатини қисқариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Носпецифик дорсалгияларнинг тавсифи ва меҳнатга лаёқатсизлик мезонларини аниқлаш ва асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: уюшган аҳоли орасида дорсалгиянинг эпидемиологик жиҳатдан аёлларда бўйин сатҳида ҳамда эркакларда бел сатҳида юқорилиги қайд этилиб, бел оғриқ локализацияси бўйича вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик муддатлари аниқланганлиги бўйича таклифлар ТХКМРМ Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 28.04.2023 йилдаги 7n-r/19-сон билан тасдиқланган “Люмбалгияни даволаш ва профилактикаси” ва ТХКМРМ Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 28.04.2023 йилдаги 7n-r/20-сон билан тасдиқланган «Бел оғриғи

синдромида шифокорлик меҳнат экспертизаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасининг 2023 йил 15 августдаги 397 сонли буйруғи ҳамда Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасининг 2023 йил 04 сентябрдаги 481 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 5/93-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* уюшган аҳоли орасида дорсалгия касаллигини диагностика ва даволашни янада самарадорлигини ошириш мақсадида тавсия этилган кўшимча даво муолажалари орқали бирламчи тизим шифокорлари учун ташхис қўйишда диагностикани ва даволашни соддалаштиради натижада вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини камайтириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* носпецифик бел оғриғи билан оғриган беморларни поликлиникаларда амбулатор шароитда даволаш мумкинлиги аниқланди. Шифохонада дори-воситалари ва овқатланиш билан 1 ётоқ/қунига нархи 215000 сўмни ташкил этади. Бу 10 (ё/кун) x 215000 сўм = 2млн 150000 сўмга тенг. Агар мазкур беморлар 1 кунлик даволаниш нархи 80000 сўмни ташкил этувчи поликлиникаларнинг амбулатор шароитларида ҳудди шу даволашни қабул қилса, беморнинг бир курслик даволаш учун сарф-харажатлари 10 (кун) га 800000 сўмни ташкил қилади. Натижада ҳар бир бемор учун бюджет маблағларидан 1млн 350000 сўм иқтисо қилиш имконини берган. Уюшган аҳоли орасида носпецифик дорсалгия билан амбулатор шароитда даволаш шифохоналарда оғир беморлар учун ўрин жой бандлигини олдини олинадиган ва ҳар бир бемор учун бюджет маблағларидан кунлик ўрин жой нархидан 135,000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: илк бор автокорхона ишчи ходимларида дорсалгиянинг клиник синдромлари, неврологик шкалалар (ВАШ, DN4, МТС, ВНСББСКШ, HADS) ва нейровизуализация критерийлар асосида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик мезонлари муддатлар бўйича оптималлаштирилганлиги бўйича таклифлар ТХКМРМ Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 28.04.2023 йилдаги 7п-г/19-сон билан тасдиқланган “Люмбалгияни даволаш ва профилактикаси” ва ТХКМРМ Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 28.04.2023 йилдаги 7п-г/20-сон билан тасдиқланган «Бел оғриғи синдромида шифокорлик меҳнат экспертизаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасининг 2023 йил 15 августдаги 397 сонли буйруғи ҳамда Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасининг 2023 йил 04 сентябрдаги 481 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 5/93-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* клиник

синдромлар, шкалаларнинг мезонларига ва нейровизуализация маълумотларига асосланган дорсалгияларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликнинг мақбуллаштирилган мезонлари аниқ ташхис қўйишга, тегишли даволашни тавсия этишга, беморларнинг соғайиш эҳтимоли кўпроқ бўлган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликнинг мақбул вақтини аниқлашга ёрдам беради; *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги*: дорсалгиянинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик мезонларини мақбуллаштирилган таклифи аниқ ташхис қўйишга, мақсадли даволашни тавсия этишга, эрта соғайишга ва дорсалгиялар рецидивланишининг камайишига олиб келади, бу иқтисодий жиҳатдан самарадорликни англатади. Хар бир бемор учун МРТ ва ЭНМГ текширувлари учун 465,000 сўм маблағ талаб қилинган бўлса, таклиф қилинган текширув диагностикадан сўнг 145,000 сўм иқтисод қилиш имконини берди.

учинчи илмий янгилик: илк бор автокорхона ишчи ходимлари орасида дорсалгиянинг неврологик симптомлари бел сатҳида жойлашган бўлиб, ҳамда радикулопатия ва рефлектор белгилари кўринишидаги симптомлар полиморфизми билан ифода этилиши аниқланганлиги бўйича таклифлар ТХКМРМ Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 28.04.2023 йилдаги 7n-r/19-сон билан тасдиқланган “Люмбалгияни даволаш ва профилактикаси” ва ТХКМРМ Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 28.04.2023 йилдаги 7n-r/20-сон билан тасдиқланган «Бел оғриғи синдромида шифокорлик меҳнат экспертизаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасининг 2023 йил 15 августдаги 397 сонли буйруғи ҳамда Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасининг 2023 йил 04 сентябрдаги 481 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 5/93-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат*: нейровизуализация хулосаларидан сўнг автомобил ишлаб чиқариш корхонаси ишчи ходимлари орасида дорсалгиянинг бевосита локализацияси ва шакли тўғрисидаги аниқланган маълумотлар даволовчи шифокорга тўғри ва аниқ ташхис қўйиш, тегишли мақбул даволашни тавсия этиш, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликнинг мақбул вақтини башорат қилиш ва даволаниш муддатларини қисқартириш имконини беради; *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги*: уюшган аҳоли орасида носпецифик дорсалгияларда меҳнат фаолиятидаги юкламалар ва хавф омилларини инобатга олган ҳолда ишчилар учун ишлаб чиқилган профилактик чора тадбирлар рецидивланишини олдини олишда муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланган. Автокорхона ишчиларида носпецифик дорсалгия билан амбулатор шароитда даволаш хар бир бемор учун корхона пуллик маблағларидан иқтисод қилиш имконини беради;

тўртинчи илмий янгилик: автокорхона ишчи ходимларининг ишлаб чиқаришда юзага келадиган бел оғриғида дорсалгияларнинг юзага келиши ва

рецидивланишларини қисқартиришга қаратилган профилактик чора-тадбирлари релакс терапия қўллаш орқали такомиллаштирилганлиги бўйича таклифлар ТХКМРМ Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 28.04.2023 йилдаги 7n-r/19-сон билан тасдиқланган “Люмбалгияни даволаш ва профилактикаси” ва ТХКМРМ Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 28.04.2023 йилдаги 7n-r/20-сон билан тасдиқланган «Бел оғриғи синдромида шифокорлик меҳнат экспертизаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасининг 2023 йил 15 августдаги 397 сонли буйруғи ҳамда Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасининг 2023 йил 04 сентябрдаги 481 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 5/93-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* уюшган аҳоли орасида дорсалгиянинг ривожланиш хавф омилларини аниқлаш ва улар орасида профилактика чора-тадбирларини ўтказиш бел оғриғининг рецидивланишининг камайишига имкон беради; *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* автомобил ишлаб чиқариш корхонаси ишчи ходимлари орасида профилактик чора-тадбирлар ўтказилгандан сўнг, тиббий қисмга ишчи ходимларнинг дорсалгия бўйича мурожаатлари сони 4,4 бараварга камайган, иқтисодий самарадорлик ҳар бир ходим учун 1млн 610000 сўм тежаш имконини беради. Профилактик чора-тадбирлар натижасида автокорхона учун жами йиллик 938,000,000 сўм иқтисод қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 6 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 2 та услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши Диссертациянинг таркиби кириш, уч боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 102 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқот ишларининг долзарблиги ва заруриятлари асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифаси, объекти ва предметлари тўла ҳолда тавсифланган. Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги келтириб ўтилган, ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган

бўлиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Бел оғриғини ташхислаш ва даволаш муаммосининг хозирги ҳолати” деб номланган биринчи бобида муаммонинг хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг “Носпецифик дорсалгиялар билан касалланган беморлар тавсифи ва меҳнатга лаёқатсизлик мезонларини хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, предмети, текшириш усулларига бағишланган. Тадқиқотда уюшган аҳоли (I гуруҳ) орасида НБО ни ўрганиш Андижон шаҳри поликлиникаларининг маълумотлари бўйича, бир йил давомида (2021 й.) бел оғриғи билан оғриган беморларнинг мурожаатларини таҳлил қилиш йўли орқали амалга оширилган. Uzavtomotors Asaka автомобиль ишлаб чиқариш корхонаси (II гуруҳ) ишчи ходимлари орасида НБО ни ўрганиш эса ишчи ходимларнинг бел оғриғи бўйича корхонанинг тиббий қисмимига қилган мурожаатларини таҳлил қилиш йўли орқали амалга оширилган.

Статистика бошқармаси маълумотларига кўра, 2021 йил давомида Андижон шаҳрида аҳоли сони 441,7 минг кишини ташкил этган бўлиб, шундан 222 235 нафари – эркаклар, 219 465 нафари – аёллардир. 20 ёшдан ошган вояга етган аҳоли сони 260 859 нафар киши бўлиб, шундан эркаклар – 126 444 нафар, аёллар – 134 415 нафарни ташкил этган. 20 ёшдан 59 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 189 099 нафар бўлиб, шундан 98 273 нафари -эркаклар, 90 826 нафари – аёллар ташкил этган.

Uzavtomotors Asaka автокорхонасида тадқиқот ўтказиш даврида (2021 йил) 8860 нафар ишчи меҳнат қилган, улардан эркаклар – 8588 нафар (96,9%), аёллар – 272 нафарни (3,1%) ташкил этган. Барча ишчилар меҳнатга лаёқатлик ёшида бўлганлар.

Бундан ташқари, Автомобиль ишлаб чиқариш корхонасининг тиббий қисмида ишчи ходимлардаги дорсалгияларнинг клиникаси ўрганилган, самарали даволаш ва профилактика чора-тадбирлари жорий қилинган. Холбуки, корхонада аксарият эркаклар фаолият юритгани боис, 107 нафар эркак тасодифий танлаб олиш усули орқали танлаб олинган ва даволанган. Уларнинг ўртача ёши $37,2 \pm 0,8$ ни ташкил этган. Эркак беморларнинг ўртача ёши $37,2 \pm 0,8$ ёшни ташкил этган.

Жадвал 1.

Беморларнинг гендер жиҳатдан таркиби

Гуруҳлар	Эркаклар, n (%)	Аёллар, n (%)	Жами, n
Уюшган шаҳар аҳоли (I гуруҳ)	152 (38,6%)	242 (61,4%)	394
Автокорхона ишчилари (II гуруҳ)	872 (96,6%)	31 (3,4%)	903
Тадқиқотдаги	107	0	107

беморлар			
----------	--	--	--

Олиб борилган даволашнинг самарадорлигини баҳолаш учун танлаб олинган беморлар ёшига мос равишда, 2 гуруҳга: асосий гуруҳ (АГ) – 57 нафар бемор (ўртача ёши – $37,3 \pm 1,2$ йил) ва назорат гуруҳи (НГ) – 50 нафар беморга (ўртача ёши – $37,1 \pm 1,0$ йил) ажратилган.

Барча гуруҳларда **базали терапияни (БТ)** (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош неврологи т.ф.д., профессор Ё.Н. Маджидова ва ҳаммуаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 28.10.2019 йилдаги 266-сон буйруғи билан тасдиқланган “Неврологик касалликларни диагностикаси ва даволаш стандарти”): НЯҚВ, миорелаксантлар билан медикаментоз даволаш, илдизли оғриқ синдромида – карбамазепин, ЛФК ва массажни қўлладик. АГ даги беморларда базали терапиядан ташқари: диадинамик электронейростимуляция муолажасини олиб бориш учун “ДЭНАС–вертебро” аппарати ёрдамида: битта экспозиция сеанси учун – 20-30 дақиқа, бир курс муолажага 8-10 сеанс оғриқсизлантириш-даволаш тартиби қўлланилди.

Шахсий тадқиқотларнинг натижалари Excel (MS Office 2010) жадвал мухаррири ёрдамида электрон маълумотлар базасига киритилган. Олинган натижаларни қайта ишлаш бўйича тавсияларга мувофиқ Statistica for Windows v.8.0 (StatSoft Inc., АҚШ, 2012) дастурий таъминот пакетларидан фойдаланган ҳолда олиб борилган. Стандарт медикостатистик таҳлил: Ўрта арифметик (M), стандарт хато (m), Стъюдент t мезонлари.

Диссертациянинг учинчи бобида **"Уюшган ахоли ва автокорхона ишчи ходимлари орасида носпецифик бел оғриғи Андижон шаҳар мисолида"** маълумотлар тақдим этилган.

Андижон шаҳар уюшган ахоли (I гуруҳ) орасида НБО ўрганиш Андижон шаҳри поликлиникаларининг маълумотлари бўйича, бир йил давомида бел оғриғи билан оғриган беморларнинг мурожаатларини таҳлил қилиш йўли орқали амалга оширилган.

2021 йил давомида Андижон шаҳар поликлиникаларига бел оғриғи билан 16122 нафар бемор мурожаат қилган. Улар орасида 7094 нафари (44,0%) – эркаклар, 9028 нафари (56,0%) – аёллар бўлган. Ўртача ёш $42,6 \pm 0,5$ ёшни, эркаклар учун – $38,9 \pm 0,9$ ёшни, аёллар учун – $44,9 \pm 0,6$ ёшни ташкил этган.

Энг кўп зарарланиш бел қисмида (люмбалгия, люмбоишиалгия) – 8351 (51,8%) нафар беморда; бўйин қисми (цервикалгия, цервикокраниалгия, цервикобрахиалгия) – 5562 нафар (34,5%) шахсларда, кўкрак қафасининг орқа ёнбош юзаси (торакалгия) – 2209 нафар (13,7%) беморда аниқланган. БО нинг локализациясига кўра, жинс бўйича фарқлар таҳлил қилинганда, аёлларга нисбатан (23,1%), эркакларда (30,1%) оғриқнинг бел локализацияси устунлик қилган, аёлларда эса оғриқнинг бўйин (23,1%) ва кўкрак (11,2%) локализацияси, эркакларга нисбатан (мос равишда 11,4% ва 2,5%) устунлик қилган (1-расм).

Оғриқ синдромининг ўткир босқичи (<6 ҳафта) 8222 нафар (51,0%) беморда, нимўткир босқичи (6 дан 12 ҳафтагача) – 4192 нафар (26,0%) ва сурункали босқичи (>12 ҳафта) – 3708 нафар (23%) беморда қайд этилган.

Уюшган (I гуруҳ) аҳоли орасида НБО тарқалиши Андижон ш. 1000 нафар катта ёшдаги аҳолисига нисбатан ҳисобланганда, 1000 нафар катта ёшдаги аҳолининг 61,8 нафарига тўғри келган.



1-расм. Уюшган аҳоли орасида эркаклар ва аёлларда бел оғриғи локализациясининг тақсимланиши

Андижон ш. поликлиникаларининг маълумотларига кўра, бир йил мобайнида (2021 йил) бел оғриғи билан оғриган 394 нафар меҳнатга лаёқатли беморларга турли муддатларга (5 кундан 39 кунгача) вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақалари берилган. Беморлар орасида 152 нафар (38,6%) – эркаклар ва 242 нафар (61,4%) – аёллар ташкил этган. Беморлар меҳнатга лаёқатли ёшда – 20 ёшдан 60 ёшгача бўлган. Беморларнинг ўртача ёши $42,6 \pm 0,5$ ёшни, эркакларда $38,9 \pm 0,9$ ёшни, аёлларда $44,9 \pm 0,6$ ёшни ташкил этган.

Беморлар умуртқа поғонасида оғриқларнинг локализациясига кўра тақсимланганда, энг кўп оғриқ бел қисмида – 253 нафар (124 та эркак, 129 та аёл), бўйин қисми – 108 нафар (22 та эркак, 86 та аёл) беморларда ва энг кам беморлар сони кўкрак қисмида – 33 нафар (6 та эркак, 27 та аёл) беморда (2-жадвал) қайд этилган.

2 жадвал

Уюшган аҳоли орасида бел оғриғининг локализацияси, жинси, ёши ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик кунлари бўйича беморларнинг тақсимланиши

Оғриқнинг умуртқа поғонасидаги локализацияси	Жинси	Беморлар сони	Ўртача ёш	меҳнатга лаёқатсизлик кунларининг ўртача сони
Бўйин қисми	эркаклар	22	$41,3 \pm 2,8$	$9,9 \pm 1,0$
	аёллар	86	$47,2 \pm 1,1$	$10,8 \pm 1,0$
	жами бемор	108	$46,0 \pm 1,0$	$10,6 \pm 0,8$
Кўкрак қисми	эркаклар	6	$36,2 \pm 2,8$	$6,7 \pm 1,1$
	аёллар	27	$55,1 \pm 2,1$	$10,8 \pm 1,3$
	жами бемор	33	$43,3 \pm 1,9$	$8,4 \pm 1,1$

Бел қисми	эркаклар	124	38,6±1,0	9,4±0,6
	аёллар	129	43,5±0,8	10,2±0,8
	жами бемор	253	41,1±0,6	9,8±0,5

Бундан ташқари, гендер кесимида бүйича бел оғриғининг локализацияси кўра беморлар тақсимланганда, эркаклар ва аёллар ўртасида бел қисмидаги беморлар сони тахминан тенг бўлган, бүйин ва кўкрак қисмларида эса аёллар эркакларга нисбатан тахминан 4,5 бараварга устунлик қилган (2-жадвал). Бел оғриғининг локализациясига кўра беморларнинг ўртача ёши тахлил қилинганда, ўртача ёшнинг бел қисмидан кўкрак ва бүйин қисми ўсиши аниқланган. Бу кўкрак ва бүйин қисмларига нисбатан, умуртқа поғонасининг бел қисмига катта юклама тушиши билан изоҳланади. Эркакларда эса аёлларга нисбатан ўртача ёш бел ва бүйин қисмларида 5-6 ёшга, кўкрак қисмида эса 19 ёшга кичикроқ бўлган. Бу, эҳтимол, эркакларда умуртқа поғонасидаги катта жисмоний юк билан боғлиқ (2-жадвал).

Бел оғриғининг локализацияси бүйича, ўртача меҳнатга лаёқатсизлик кунлари тахлил қилинганда, энг кам ўртача меҳнатга лаёқатсизлик кунлари (8,4±1,1 кун) оғриқнинг кўкрак локализацияси бўлган беморларда, бел локализациясида 1,4 кунга кўп эканлиги ва бүйин локализациясида эса 2,4 кунга кўплиги қайд этилган (2-жадвал). Бел оғриғининг локализацияси бүйича, ўртача меҳнатга лаёқатсизлик кунларининг гендер жихатдан тахлил қилинганда, эркакларда аёлларга нисбатан, бүйин ва бел қисмларида ўртача меҳнатга лаёқатсизлик кунлари тахминан 1 кунга камроқ эканлиги аниқланган, холбуки, кўкрак қисмида бу фарқ 4,1 кунни ташкил этган (2-жадвал).

Меҳнатга лаёқатсизлик вақтининг беморларнинг ёшига боғлиқлиги тахлил қилинганда, умуман, беморларнинг ёши катталашishi билан ўртача меҳнатга лаёқатсизлик кунлари ҳам ортиб боради (2-жадвал). Гендер жихатдан тахлил қилинганда, беморларнинг ёшига кўра ўртача меҳнатга лаёқатсизлик кунларининг ортиш тенденцияси аёлларда аниқ намоён бўлганлиги қайд этилди. Бироқ, эркакларда бундай тенденция кузатилмади – айрим “қолиб кетишлар” билан – ўртача меҳнатга лаёқатсизлик кунларининг 31-40 ёш гуруҳида камайishi (3-жадвал) аниқланган.

3- жадвал

Ўртача меҳнатга лаёқатсизлик кунларини бел оғриғининг локализациясига ва беморларнинг ёшига нисбатан боғлиқлиги, М±m

Ёш гуруҳлари	Эркаклар		Аёллар		Жами беморлар
	Бүйин қисми	Бел қисми	Бүйин қисми	Бел қисми	
20-30 ёш	10,8±4,0	9,4±1,0	7,0±2,0	5,5±0,5	8,7±0,8
31-40 ёш	9,0±0,9	8,1±0,8	7,9±1,0	10,0±1,1	8,9±0,6
41-50 ёш	7,5±1,4	9,8±1,8	12,3±2,6	9,6±1,2	10,3±1,0
50 ёш ва ундан катта	12,2±1,9	11,3±2,1	12,3±1,3	12,7±2,2	12,2±1,0

Автомобиль ишлаб чиқариш корхонасининг ишчи ходимлари орасида беморларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги

UZAVTOMOTORS Asaka автокорхонасида 8860 нафар ишчи меҳнат қилади. Тиббий қисмининг картотека маълумотларига кўра, 2021 йил давомида ишчиларнинг бел оғриғи бўйича тиббий қисмга 903 та мурожаатлари қайд этилган. Улардан 872 нафари (96,6%) эркак ишчилар, 31 нафари (3,4%) аёллар бўлган. Бел оғриғи билан мурожаат қилганларнинг ўртача ёши $37,6 \pm 0,3$ йил бўлиб, эркаклар учун – $37,6 \pm 0,3$ йил, аёллар учун – $37,6 \pm 1,5$ йил ташкил этган.

Автокорхона ишчилари орасида оғриқ локализацияси кўпроқ бел қисмида – 70,8% ва бўйин қисмида камроқ – 29,2% ҳолатларда аниқланган. Тиббий қисмга мурожаат қилганлар орасида оғриқнинг кўкрак локализацияси кузатилмади. Кўринишидан, бу ишлаб чиқариш юкламаларининг ўзига хослиги билан боғлиқ эди. Автокорхона ишчилари орасида оғриқнинг локализацияси бўйича жинс жihatдан фарқлар таҳлил қилинганда, аёлларга (58,1%) нисбатан, эркакларда (71,3%) оғриқнинг бел локализацияси устунлик қилган, аёлларда эса (41,9%) бўйин қисмидаги оғриқ эркакларникига нисбатан (28,7%) устунлиги қайд этилган. Автокорхона ишчилари орасида НБО тарқалиши Андижон ш. 1000 нафар катта ёшли аҳолисига нисбатан ҳисобланганда, 1000 нафар катта ёшдаги аҳолининг 101,8 нафарига тўғри келган.

Тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, автокорхона ишчилари орасида НБО туфайли вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик кунлари ўртача $14,9 \pm 0,3$ кунни ташкил этган. Бу уюшган аҳолига нисбатан, ўртача меҳнатга лаёқатсизлик кунларидан сезиларли даражада ортади. НБО туфайли ўртача вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик кунларининг беморларнинг ёшига боғлиқлиги бўйича таҳлил қилинганда, бундай боғлиқлик аниқланмади. 4-жадвал кўришиб турибдики, барча ёш гуруҳларида ўртача вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик кунлари тенг тақсимланган. Гендер жihatдан таҳлил қилинганда, 20-40 ёш гуруҳидаги аёлларда бўйин қисми ҳамда бел қисми даражасида ўртача меҳнатга лаёқатсизлик кунларининг сезиларли ўсиши қайд этилган.

4- жадвал

Автокохона ишчилари орасида бел оғриғининг локализацияси, ёши, жинси ва ўртача вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик кунлари бўйича беморларнинг тақсимланиши

Умurtка поғонасида оғриқнинг локализацияси	жинси	Беморлар сони	Ўртача ёш	Ўртача меҳнатга лаёқатсизлик кунлари
Бўйин қисми	эркаклар	250	$37,9 \pm 0,6$	$15,0 \pm 0,6$
	аёллар	13	$36,8 \pm 2,4$	$16,3 \pm 2,9$
	жами бемор	263	$37,3 \pm 0,5$	$15,0 \pm 0,6$

Бел қисми	эркаклар	622	37,5±0,3	14,7±0,4
	аёллар	18	37,7±2,2	16,2±2,1
	жами бемор	640	37,5±0,3	14,8±0,4

Уюшган аҳоли ва автокорхона ишчилари орасида НБО билан оғриган беморлар ўзаро солиштирилганда, автокорхона ишчилари орасида беморларнинг ўртача ёши 5 ёшга кичик бўлганлиги эътиборга лойиқдир. Бундан ташқари, эркаклар ўртасида бу фарқ – 1,3 ёшга, аёлларда эса – 5,1 ёшга кичик эди. Автокорхона ишчилар орасида НБО нинг тарқалиши уюшган аҳолига нисбатан 1,7 баравар юқори эканлиги (1000 нафар аҳолига нисбатан, ўзаро мос равишда 101,8 ва 61,8 тўғри келган) қайд этилди. Гендер жihatдан таҳлил қилинганда, уюшган аҳоли орасида аёллар – 56%, автокорхона ишчилар орасида – 96,6% эркаклар устунлик қилган. НБО локализациясининг устунлиги таҳлил қилинганда, уюшган аҳоли ва автокорхона ишчилари орасида эркакларда бел локализациясининг устунлиги аниқланган. Бироқ, автокорхона ишчилари орасида эркакларда БО нинг бел локализацияси кучлироқ намоён бўлган. Аёллар кўпинча умуртқа поғонасининг бўйин қисмидаги муаммолар бўйича шифокорга мурожаат қилишган, эркакларни эса умуртқа поғонасининг бел қисми кўпроқ ташвишлантирган.

Автокорхона ишчилари орасида бел қисмидаги НБО аниқлаш учун, ишлаб чиқаришдаги хавф омилларини таҳлил қилдик. Анамнез маълумотларига кўра, бел оғриғининг ривожланишига сабаб бўлган омиллар орасида тана, оёқ ва қўл мушакларига сезиларли даражада статик ва динамик юклама тушиши билан меҳнат қилиш – 24,1%, шунингдек, юк кўтариш ва юкни силжитиш, ҳамда юкнинг умумий массаси – 25%, тананинг тез-тез ва чуқур эгилиши, иш пайтида тананинг бурилиши – 24,7%, мажбурий ишчи ҳолати, шу жумладан ўзгармайдиган иш ҳолатида узок муддат ўтириш – 17,8%, шунингдек, умумий вибрация таъсири – 10% алоҳида ажралиб турган. Бундан ташқари, қўзғатувчи омиллар орасида беморларнинг совуқ қотиши – 23,4% ва сурункали стрессли вазиятлар – 15,6% қайд этилган.

Диссертациянинг **тўртинчи бобида** тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичи автокорхона ишчиларида дорсалгияларнинг клиникасини ўрганиш, самарали даволаш ва профилактикани жорий этишдан ташкил топган. 107 нафар беморда комплекс рентгенологик ва МРТ-текшируви натижасида умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликлари (УПДДК) дорсалгиялар билан аниқланган.

Барча беморлар тиббий қисмга мурожаат қилганда, бел соҳасидаги оғриққа шикоят қилганлар. Дорсалгия билан кечувчи УПДДК билан беморлар орасида илдизли оғриқ синдромининг устунлиги (63,6%), радикулоишемия билан оғриган беморлар сонининг қисман камлиги (36,4%) ва ундан ҳам кам миқдорда – рефлектор синдроми (8,4%) қайд этилганлиги кўринади. Беморларимиз орасида радикуломиелоишемия билан оғриган

беморлар аниқланмаган ва АГ ва НГ да синдромлар тенг нисбатда тақсимланган.

5-жадвал

Шкалалар бўйича автокорхона ишчиларида дорсалгияларнинг клиникаси

Шкалалар	АГ, n=57	НГ, n=50	Жами беморлар n=107
Тинчликда ВАШ	5,6±0,1	5,5±0,1	5,6±0,1
DN4 шкаласи	3,4±0,1	3,2±0,1	3,3±0,1
МСИ	7,7±0,1	7,9±0,2	7,8±0,1
ВНСББСКШ	9,2±0,2	9,2±0,2	9,2±0,1
HADS вахима	8,3±0,2	8,2±0,3	8,2±0,2
HADS депрессия	8,9±0,2	9,2±0,2	9,0±0,2

Текширув вақтида беморларда ВАШ бўйича оғриқ интенсивлиги ўртача интенсивликка – 5,6±0,1 балл га эга бўлган. Холбуки, АГ ва НГ бўлган беморларда бу кўрсаткич бир-биридан унчалик даражажа фарқ қилмаган (5-жадвал). Беморларда оғриқнинг нейропатик компоненти катта ёки кичик даражада мавжуд бўлиб, беморларнинг умумий когортасида DN4 шкаласи бўйича 3,3±0,1 баллни ташкил этган, бу белгиларнинг сезиларли даражада намоён бўлиши билан ифодаланади. Ўрганилувчи гуруҳларда унинг қийматлари статистик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмаган (5-жадвал).

Бел соҳасидаги мушак-тоник синдромнинг (МТС) оғирлик даражаси мушак синдроми индексини (МСИ) ҳисоблаш йўли билан аниқланган.

